ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Педагогик тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Pedagogical Research

2020/6 (50)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА
Серия: Педагогик тадқиқотлар

Журнал бир йилда 8 марта
(серия 2 марта) чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 17 августда
1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 21.09.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

“Муҳаррир” нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳрир ҳайъати раиси:

Азимова Зиёда Эргашевна – педагогика фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Таҳрир ҳайъати

Қуронов Муҳаммаджон – педагогика фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич – педагогика фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Юсупова Шохида Жалолиддиновна – педагогика фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)

Хайдаров Маматжон Эшқулович – педагогика фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Жумаев Маманазар Иргашевич – педагогика фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Исаев Илья Фёдорович – педагогика фанлари доктори, профессор (Бельгород, Россия)

Асука Кавано – педагогика фанлари доктори (PhD) (Нагоя, Япония)

Алиева Шаҳло – педагогика фанлари доктори (Боку, Озарбайжон)

Жумабаева Азия Елеупановна – педагогика фанлари доктори, профессор (Остана, Қозоғистон)

Бичурина Сеимбика Усмоновна – педагогика фанлари номзоди, доцент (Казан, Россия)

Муҳаррир:

Д.Ҳ.Қуронов
филология фанлари доктори, профессор

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129. Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

МУНДАРИЖА

ПЕДАГОГИКА

ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ

З.Э.АЗИМОВА, М.К.БАКИЕВА
Қизларда ижтимоий фаол шахс сифатларини шакллантиришда хориж тажрибаларидан фойдаланиш (Parents.com сайти материаллари мисолида) 5

Қ.А.ҚАДИРОВ
Олий таълим тизимида маънавий-маърифий ишларнинг ташкилий-педагогик модернизацияси хусусида 16

И.Н.САЙДАЛИЕВ
Замонавий муҳандисларни тайёрлашда олий таълим ва ишлаб чиқариш синергетик интеграциясининг аҳамияти ва истиқболлари 25

Н.Д.АҲМЕДОВА
Талабаларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш ижтимоий-педагогик масала сифатида 36

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

Я.УМАРОВА, Д.НЕЪМАТОВА
Умумтаълим мактабларидаги ўқувчилар тил компетентлигининг жорий ҳолати таҳлили 47

A.AXLIMIRZAYEV, T.S.NISHONOV
Ehtimollar nazariyasi fanidan amaliy mashg‘ulotlarni tashkil etish bo‘yicha ba’zi bir mulohazalar 58

ПЕДАГОГИК СОЦИОЛОГИЯ

A.U.ABDIYEV
Andragogik ta’limda gender muammolari 70

ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

М.Ш.РАҲМОНОВ
Видеомашғулотларнинг дарс самарадорлигига ижобий таъсири ва зарурий тавсиялар 79

CONTENTS

PEDAGOGY

THEORY OF PEDAGOGICS

Z.E.AZIMOVA, M.K.BAKIYEVA
From the foreign experience of the methodology of education of socio-active personality in girls (on the example of site materials Parents.com) 5

K.A.KADIROV
Organizational and pedagogical of issues spiritual and educational work in the higher education system 16

I.N.SAYDALIEV
The importance and prospects of synergetic integration of higher education and development in the training of modern engineers 25

N.D.AHMEDOVA
Development of professional-spiritual qualities at students-socio-pedagogical problem 36

THEORY AND METHODS OF EDUCATION AND UPBRINGING

Ya.T.UMAROVA, D.NE'MATOVA
Analysis of the current state of language competence of secondary school students 47

A.AKHLIMIRZAEV, T.S.NISHONOV
Some considerations on the organization of practical lessons on probability theory 58

PEDAGOGIC SOCIOLOGY

A.U.ABDIEV
Gender issues in andragogy 70

THEORY AND METHODS OF E-LEARNING

M.Sh.RAHMONOV
Positive impact of video classes on lesson efficiency and necessary recommendations 79

УДК 378

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК МОДЕРНИЗАЦИЯСИ ХУСУСИДА

Қ.А.Қадиров

Мақолада олий таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар масаласи, хусусан, талабаларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантириш борасидаги давлат сиёсати, амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, шунингдек, мазкур тизимда маънавий-маърифий ишларни ташкилий-педагогик модернизацияси, педагог олимларнинг илмий қарашлари асосида замонавий янги мезонлар, уларнинг турлари ва самарадорликка эришиш масалаларига бағишланган. Келтирилган фикрлар ҳар томонлама илмий-назарий адабиётлар асосида очиб берилган.

Калит сўзлар: *олий таълим, таълим-тарбия, маънавият ва маърифат, мафкуравий иммунитет, педагогик модернизация.*

В статье рассматриваются вопросы духовно-воспитательной работы в системе высшего образования, в частности, государственная политика по формированию духовно-нравственной культуры студентов, проводимые реформы, а также современное состояние организационно-педагогической модернизации духовно-воспитательной работы на основе современных критериев, их видов и вопросов эффективности. Представленные в статье идеи раскрываются на основе обширной научно-теоретической литературы.

Ключевые слова: *высшее образование, обучение и воспитание, духовность и просвещение, идеологический иммунитет, педагогическая модернизация.*

Ғоявий тарбияни модернизациялаш мамлакатимизда фаол тадбиркорлик ва инновацион технологияларни қўллаб-қувватланаётган, илм, маърифат, рақамли иқтисодиёт ривожлантирилаётган жараёнлар билан уйғун бўлиши талаб этилмоқда. Мана шундай янги тарихий вазиятда “Янги Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш учун халқимиз, ёшларимизда қайси фазилатларни кучайтириб, қайси иллатларга чек қўйишимиз керак?”, деган саволларга илмий жавоблар керак. Бу саволга маънавият жавоб бериши ва халқимизни бунёдкор ишларга даъват қилиши лозим. Демак, педагогик-психологик илмий лойиҳалар асосида яхши фазилатларни ривожлантириш, лоқайдлик, ҳасад, кўролмаслик, исрофгарчилик, масъулиятсизлик, меҳрсизлик, ғийбат каби маънавий иллатлар профилактикасини илмий педагогик асосга қуриш керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрель ПҚ-2909-сонли қарорида олий таълим зиммасига “Олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет

ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш" вазифаси юклатилди [1].

Кейинги йилларда олий таълим педагогикаси соҳасида маънавий-ахлоқий тарбия йўналишидаги тадқиқотлар кўлами кенгайган бўлса-да, миллий ғоя, маънавий-маърифий ишлар, ижтимоий гуманитар фанларни ўқитишни модернизациялаш асослари махсус мавзу сифатида етарлича тадқиқ қилинган эмас.

Бугун давлатимиз янги Ўзбекистон – "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" тамойили асосида тараққиётнинг янги 3-ренессанс даврига қадам қўймоқда [2].

Бундай шароитда мамлакатимизда ёшлар тарбиясини замонавий асосда, яъни бугунги куннинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил қилиш, амалга оширилаётган ишларни танқидий кўз билан баҳолаб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, мазкур соҳага инновацион фикрлаш орқали янги механизмларини жорий қилиб, янги босқичга кўтариш вақти келганлигинини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бунга Юртбошимизнинг ёшлар масаласини мунтазам диққат эътиборда тутиб, уларнинг ғоявий тарбияси ҳақида қайғуришлари, янгидан-янги ташаббуслари яққол мисолдир.

Шундай экан, олий таълим тизими олдида маънавий-ахлоқий тарбия самарадорлигини ошириш, аждодларимиз қолдирган бой маънавий фазилатларимизни замонавий илм-фан ютуқлари билан бойитиб, талаба-ёшлар тафаккури, дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириш масалалари энг муҳим йўналишлардан биридир.

Юксак маънавиятли талаба бу – маърифатли шахс, яъни кучли миллий ўзликка эга, ўзига юкланган вазифа, бошқаларнинг тақдири, ўз халқининг келажаги учун жавобгар шахс. У умуминсоний инсонпарварлик қадриятларига, бошқа халқларнинг маданиятини чуқур ҳурмат қилади. Бироқ, аввалambор, у ўз маданиятидан келиб чиқувчи шахс. Бу хусусиятлар юксак маънавий-ахлоқли шахсни тарбиялашда етакчи йўналишларни: ватанга садоқат, масъулият, бағрикенглик, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибатлилик, ҳуқуқий маданият, иродалилик, инновацион фикрлашни белгилайди.

Бу борада хорижий адабиётларни ўрганиш муаммонинг турли қирраларини намоён қилади. Россиялик педагог олимлардан С.С.Комиссаренко шахс ўзига хос ноёб хусусиятлар ва фазилатлари билан бошқалардан ажралиб туриши натижасида шаклланади, деган хулосага келади. Аммо шуни ҳисобга олиш керакки, шахснинг маънавий-ахлоқий шакллантиришнинг самарали технологияларидан бири бу референциал технологиядир. Ушбу технологиянинг асоси шахснинг ўзини ўзи идентификация қилиш объекти (референт) билан аниқлаш механизмидир. Бунда шахснинг шаклланиши бир томондан маданий муҳит ва уни шакллантиришнинг ижтимоий-маданий технологиялари таъсири остида содир бўлади. Бошқа томондан шахснинг ўзи танлаган, доимий маънавий ривожланиш қобилияти бўлади. Яъни идеал, комилликнинг маълум бир образи бор, унга ҳеч қачон эришиб бўлмайди, аммо у сиз ҳаётнинг маъноси йўқолади [3. Б. 298].

В.Д.Ширшов ёшларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришнинг долзарб муаммоларини таҳлил қилиб, "маънавият" тушунчаси маънавий-ахлоқий тарбияда янги ғояларни қидиришнинг асосий тушунчаси эканлигини таъкидлайди. "Маънавият" деганда муаллиф инсоннинг ўзини ўзи англашини тушунади. Унинг таъкидлашича, ахлоқ қадриятларни акс эттиради, бироқ ахлоқ ҳам жамиятнинг турли қатламларининг

ўзига хос яшаш шароитларига боғлиқ. Ижтимоий тузилиш шакли ўзгарса, ахлоқ ўзгаради, ахлоқ эса абадий категория бўлиб қолади. Ахлоқий тарбия шахсда ахлоқий онг ҳамда туйғуларни шакллантириш ва ахлоқий хатти-ҳаракатларни ривожлантириш учун уюшган, мақсадли таъсирни ўз ичига олади. Юқоридаги қоидалардан келиб чиқиб, муаллиф маънавий-ахлоқий тарбия бу ўқитувчилар, ота-оналарнинг талабалар ўртасида энг юқори ахлоқий қадриятларни, шунингдек, ватанпарвар ва Ватан ҳимоячиси сифатларини шакллантиришга қаратилган уюшган ва йўналтирилган фаолияти, деган хулосага келади [4].

Профессор И.Э.Ярмакеев инсонларга хос қуйидаги маънавий-ахлоқий эҳтиёжларни аниқлаган: ахлоқ қонунларига ва унинг ахлоқий меъёрларига мувофиқ яшаш ва ҳаракат қилиш зарурати, инсоний эҳтиёж (бошқа одамлар учун яхшилик қилиш зарурати), ахлоқий ўзини ўзи яхшилаш истаги. Муаллиф ёшларнинг маънавий ўз-ўзини ривожлантириш динамикасини одамнинг меҳрибонлик, гўзаллик, муҳаббат мезонлари асосида одамлар билан яхши муносабатда бўлиш қобилиятида кўради [5. Б. 472].

Шундай қилиб, маданий анъаналарни сақлаб қолиш ва ривожлантириш муаммоси бизнинг давримизда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Ёш авлоднинг вазифаси нафақат ушбу анъаналарни сақлаб қолиш, балки уларнинг ривожланишига ҳисса қўшиш, кўп миллатли Ўзбекистон халқи ғоявий бирлигининг асосини ташкил этишдир. Бунда шахснинг қадриятларини аниқлаш муҳим педагогик аҳамиятга эга.

Олий таълим тизимида маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишда ушбу фаолиятнинг методик таъминоти ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Педагогика фанлари доктори З.Азимова бу борада “маънавият ва маърифат” бўлими раҳбари фаолиятига урғу қаратади. “Мазкур лавозим ўзининг қатор шахсий ва касбий талабларига эга. У ўзида ташкилотчилик, юксак миллий мавкуравий онглилик, тарбия назарияси, услубияти, психологияси, билимдони ва амалиётчиси, миллий ва маҳаллий маданият, тарихни яхши билувчи, сиёсий фаол, нотиқ бўлиши лозим”, деб ҳисоблайди олима [6. Б.73]. Дарҳақиқат, маънавият ва маърифат йўналишини режалаштириш, ташкилий раҳбарлик қилиш, тадбирларни ўтказиш, газета, журнал, ТВ материалларидан тезкор фойдаланиш, маърузалар, суҳбатлар, конференциялар, учрашувлар, семинарлар, дискуссия, диспут, матбуот конференциялар, давра суҳбатларини ташкил қилиш ва ўтказиш, жамоа маънавий-маърифий ишларини таҳлил қилиш, режалаштириш ва амалга оширишни назорат қилиш малакаларига эга бўлмоғи лозим. Шунингдек, маънавий-маърифий ишларни олиб бориш маҳоратларини ошириш, уларни кишилар билан суҳбат, маърузаларни ўтказиш, назария билан амалиётни уйғунлаштириш, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш юзасидан семинарлар ўтказиб боради.

Бунда маданият муассасаларининг роли муҳим. Э.М.Зезек ўз тадқиқотида “маданият муассасалари фаолиятида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси” тушунчаси ғоявий тарбия ва маърифий фаолиятнинг яхлит, йўналтирилган педагогик жараёни, ёшларнинг ғоявий ривожланиши масалаларини комплекс ҳал этишини аниқлаган [7. Б. 20].

Маънавий-ахлоқий маданият эса ўз ичига: маънавий-ахлоқий онг (маънавий-ахлоқий фикрлаш маданияти, ахлоқий эътиқодлар тизими, ҳиссий маданият), тезкор-фаол маданият ва ахлоқий хатти-ҳаракатлар маданиятини олади. Бу борада тадқиқотчи З.Г.Неъматовнинг “Инсонпарварлик ва унинг ривожланиш тамойиллари” мавзусидаги докторлик диссертацияси

диққатга сазовордир [8. Б. 35].

Ушбу қарашлар ҳам узлуксиз маънавий тарбиянинг концептуал қоидаларини [9] қўллаб-қувватлайди. Яъни маънавий-ахлоқий ривожланиш шахснинг ўзагини ташкил қилади. У одам ижтимоий муносабатларининг барча томонларига ва шаклларига ижобий таъсир кўрсатади: унинг ахлоқий ва эстетик ривожланиши, дунёқараши ва фуқаролик шаклланиши, ватанпарварлик ва оилавий йўналиши, интеллектуал салоҳияти, ҳиссий ҳолати ва умумий жисмоний ва ақлий ривожланишидир.

Бугунги кунда талабалар ғоявий дунёқарашининг асосини “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” бош ғоя ва уни рўёбга чиқариш учун зарур бўлган қадриятлар ташкил этади. Улар авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятлар, Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, тадбиркорлик, маданий ва оилавий анъаналарда мужассамлашади. Ушбу қадриятларга ишонч инсоннинг эртанги кунга ишончини мустаҳкам қилади ва турли ғоявий, гедонистик, субъектив таъсирларга қарши туришида ёрдам беради.

Айни фикрлардан келиб чиқиб, биз олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар тизимида талаба-ёшларда ғоявий фазилатларни ривожлантиришнинг асосий мезон ва йўналишлари сифатида қуйидагилар деб белгиладик:

- янги Ўзбекистоннинг бой тарихий, маънавий, ахлоқий ва маданий анъаналарини, уларнинг хилма-хиллигини ўрганишга асосий назарий ва амалий ёндашувлар ҳақида фикрларни шакллантириш;

- жамиятнинг ижтимоий маънавий муҳитини соғломлаштириш тизимида шахс ва оиланинг ўрни;

- ижтимоий ғоявий муносабатлар ахлоқи ҳақида яхлит қарашни шакллантириш;

- талабаларни Ватан келажаги ва унинг қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлишга, ўз ҳаётини онгли равишда яратишга тайёрлашга кўмаклашиш;

- мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, бузғунчи ғоялар таъсирига қарши курашиш компетенцияларини шакллантириш;

- миллий ғоянинг тарихан шаклланган анъанавий қадриятларига таяниб, эркин ва масъулиятли танлашга қодир бўлган маънавий-ахлоқий шахсни тарбиялашга кўмаклашиш, шу асосда уларнинг касбий фаолияти ва оилавий ва шахсий ҳаётини шакллантириш;

- ёшларни замонавий жамиятда қабул қилинган маънавий-ахлоқий меъёрларга амал қилиш ташаббускори бўлишга ундаш;

- ўзларининг хатти-ҳаракатларини ва ўртоқларининг хулқ-атворини мустақил таҳлил қилишга ўргатиш;

- доимий интроспекция, фикрлаш ва хулосалар қилиш кўникмаларини ривожлантириш шулар жумласидандир.

Айни вақтда ғоявий идеал бу – миллий ғоя, маънавият ва ахлоқни, умуммиллий бирдамликни ва миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, таълим, фан ва маданиятни ривожлантириш каби энг муҳим вазифаларни ҳал қилишга қодир бўлган универсал педагогик омилдир.

Олий таълим муассасаларида талаба-ёшларнинг ғоявий, маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш мураккаб, кўп қиррали жараён бўлиб, у қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олади, деб ҳисоблаймиз:

- шахснинг маънавий имкониятларини очиш (ақл, хотира, фикрлаш, хаёл, идрок ва бошқалар), қиймат йўналишини шакллантириш, яъни шахснинг муайян ахлоқий, эстетик ва бошқа маънавий қадриятларни унинг ҳаётий позициясини белгилайдиган идеаллар, меъёрлар, устуворликлар сифатида танлаши;

- инсоннинг ғоявий компетенцияларининг асоси сифатида маънавий эҳтиёжларни шакллантириш ва ривожлантириш,

унинг ҳаракатларида акс эттирилган.

Маънавий эҳтиёжлар шахснинг маданият, жамиятнинг асосий қадриятлари, ижодий ва фаол ижодий фаолиятига қўшилиш истагида намоён бўлади.

Таъкидлаш лозимки, ғоявий, маънавий-ахлоқий маданият инсоният маданиятининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, улар биргаликда инсоннинг ажралмас ахлоқий идеаллари ва дунёқарашини шакллантирадиган ахлоқий билимлар, кўникмалар, қобилиятлар, ҳис-туйғулар, эътиқодлар, қадриятлар тизимини бирлаштиради.

Шахснинг маънавий-ахлоқий маданияти унинг ғоявий тарбияси учун маданий манба бўлиб, қуйидаги функцияларни бажаради:

- ахлоқий хатти-ҳаракатларнинг барқарор кўникмалари ва одатларини, ахлоқий танловларни амалга ошириш қобилиятини шакллантиришни амалга оширади;

- унинг ёрдамида ахлоқий онг ва бошқа ахлоқий фазилатларни шакллантириш фаоллашади;

- тегишли фан соҳасидаги билимларни ўзлаштиришга имкон берадиган эпистемологик шартни таъминлайди;

- терминал фазилатлар, ахлоқий мақсадлар ва қадриятларни танлашни амалга оширади:

- меъёрий-ахлоқий шакллар, принциплар, қоидаларни белгилайди;

- инструментал фазилатларни тартибга солиш – талаба-ёшларнинг хулқ-атворини, уларнинг ижтимоий фаолияти ва муносабатларини тартибга солишни таъминлайди;

- рефлексиф – ўзини ўзи ғоявий билишга, ўзининг бу борадаги кучли ва заиф томонларини англашга ёрдам беради;

- баҳолаш ва диагностика – уларнинг ахлоқий фазилатларини ва шахслараро муносабатларини баҳолайди;

- коррекция – ўз хулқи, хатти-ҳаракатларингизни тузатишга ёрдам беради;

- прогностик оқибатлари, ҳаракатлари, ахлоқий танловини башорат қилишга хизмат қилади.

Демак, маънавий-ахлоқий маданият деганда инсоннинг маънавий-ахлоқий шаклланишини, унинг ахлоқий ҳис-туйғуларини (мафкуравий иммунитет, виждон, бурч, эътиқод, масъулият, фуқаролик, ватанпарварлик), ахлоқий фазилатларни (сабр-тоқат, раҳм-шафқат, мулойимлик), ахлоқий позицияни сифатли тарбиялаш тушунилади. Бунинг учун талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантириш бўйича дастурий тадбирлар тизими ғоявий дунёқарашни шакллантиришни, фаол ижтимоий онгни ва ахлоқий хатти-ҳаракатни, маънавий-ахлоқий иммунитетни шакллантириш мақсадида салбий сифатлар ривожланишининг олдини олишни таъминлаши керак.

Шу ўринда талаба-ёшларда ғоявий дунёқарашни шакллантириш ҳам муҳим масалалардандир. Ёшларда ғоявий дунёқарашни шаклланганлигининг биринчи даражаси талаба-ёшлар ўртасида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг чуқурлиги ва барқарорлигини ривожлантириш, муайян принципларга риоя қилиш, ғоявий идеалнинг мавжудлиги, онгли ҳаётий маъноларнинг мавжудлиги, мафкуравий иммунитетнинг даражасини ошириш, ғояларни таснифлаш қобилияти, ғоявий билимларга асосланган интилиш даражаси, ностандарт ғоявий вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга тайёрлик, янги маънавий-маърифий билимларга эҳтиёж, мулоҳаза қилиш, ўхшашлик, таққослаш, таҳлил қилиш, маънавий, ахлоқий ва эстетик билимларни шакллантириш ва талабаларнинг диний, дунёвий билим даражасини ошириш.

Талаба-ёшларда ғоявий дунёқараш шаклланганлигининг иккинчи даражасида: ҳамкорлик, бағрикенглик, самимийлик, яхшилик, адолатни исташ, хушмуомалалик, ҳиссиёт, хаёлот, сезгирлик, огоҳлик даражасини ошириш, маънавий ва ҳиссий ғояларнинг бойлигини, ғоявий кураш тажрибасини ривожлантириш

муҳимдир. Маънавий-ахлоқий категорияларга бўлган муносабат нақадар аниқ ва равшан, эстетик ва маънавий-ахлоқий идеал нуқтаи назаридан воқеликни таҳлил қилиш ва баҳолаш қобилиятини шакллантириш, юқори маънавий юксалишларга интилиш, маънавий-ахлоқий эҳтиёжларнинг даражаси ва кенглиги, эстетик ва маънавий-ахлоқий ҳукмларни шакллантиришдир.

Маънавий-ахлоқий маданият тарбия ва ўз ўзини тарбиялаш бирлиги принципига асосланган талаба шахсининг ўзини ўзи такомиллаштириш ва ижтимоий ўзаро муносабатлари, ғоявий дунёқараши учун асосдир. Маънавий-маърифий ишлар, олий таълим муассасаларида олиб бориладиган касбий ва маънавий фазилатлар уйғунлигини таъминлашнинг самарали кечишига ёрдам беради ва замонавий жамиятнинг энг муҳим вазифаларидан бирини – мамлакатимизда узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг ҳаётга тадбиқ қилиниши натижасида талаба-ёшларнинг Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, толерантлик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби таянч компетенциялар билан мустақил ҳаётга кириб боришларини таъминлайди.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, бугунги кун талабаси, бўлажак мутахассисларни ғоявий тарбиялаш Ўзбекистон тараққиётининг янги даври талаблари асосида, илмий педагогик асосда модернизациялашуви талабаларни мустақил касбий маънавий ҳаётга тайёрлаш доирасида амалга оширишни талаб қилади. Яъни, илгари талабаларга миллий ғоя, бузғунчи ва бунёдкор ғоялар тўғрисида билим бериш билан чекланиб келинган бўлса, модернизациялашган ғоявий тарбия ғоявий ҳушёрликни, бешта муҳим ташаббус [10] доирасида бирлаштиришни компетенцияларни ёшларнинг кундалик ҳаётдаги уқувларига, хулқ-атвор меъёрларига айлантиради. Зеро, ҳозирги босқичда миллий тикланишдан миллий юксалиш сари ривожланиш талабалардан маънавий ахлоқий-фазилатлар мазмунини билишнигина эмас, балки ўзининг кундалик амалий фаолиятида қўллаш қобилиятига эга бўлишни талаб қилмоқда.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 21 апрель.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 29 йиллиги маросимидаги нутқи. 2020 йил 31 август. [Интернет ресурс]. URL: http:// aniq.uz (Мурожаат этилган сана: 15.09.2020)

3. *Комиссаренко С.С.* Формирование личности: концепции, институты, технологии. – Санкт-Петербург: ООО ИД “Петрополис”, 2013. – 298 с.

4. *Ширшов В.Д.* Духовно-нравственное воспитание молодежи [Электронный ресурс]. URL: http://arhiv.oodvrs.ru/article/index (Мурожаат этилган сана: 20.09.2019).

5. *Ярмакеев И.Э.* Духовно-нравственное воспитание будущего специалиста: становление системы: Монография. – Москва: Гуманитар издательство центр ВЛАДОС, 2008. – 472 с.

6. *Азимова З.Э.*Тарбиявий ишлар тизимини интеграл диагностик асосда такомиллаштириш (олий таълим муассасалари мисолида): педагогика фанлари бўйича фан доктори (DSc). ...дисс. автореф. Нукус, 2018. – 73 б.

7. *Зезека Е.М.* Духовно-нравственное воспитание молодежи в деятельности учреждений культуры: автореф. дисс. … канд. пед. наук: – Тамбов, 2011. – 20 с.

8. *Нигматов З.Г.* Принцип гуманизма и его развитие в истории советской школы (1946-1989 гг.): автореф. дисс. докт. пед. наук. – Казан, 1990. – 35 с.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сонли Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 03.01.2020 й., 09/20/1059/4265-сон. [Интернет ресурс]. URL: https://lex.uz/docs/4676839 (Мурожаат этилган сана: 10.08.2020).

10. “Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни амалиётга жорий этиш самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги КҚ-20-IV-сонли Қарор // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. [Интернет ресурс]. URL: http://lex.uz (Мурожаат этилган сана: 10.08.2020)

ORGANIZATIONAL AND PEDAGOGICAL OF ISSUES SPIRITUAL AND EDUCATIONAL WORK IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM

K.A.Kadirov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Pedagogik tadqiqotlar – Scientific bulletin. Pedagogical Research. 2020. 6(50). 16-24.

[1] Nukus State Pedagogical Institute, Nukus, 230100, str. P.Seytov numberless House. (Uzbekistan). E-mail:nkspi_info@edu.uz

Keywords: higher education, education, spirituality and enlightenment, ideological immunity, pedagogical modernization.

Although the scope of research in the field of spiritual and moral education in the field of higher education pedagogy has expanded in recent years, the national idea, spiritual and educational work, the foundations of modernization of teaching social sciences have not been sufficiently studied as a special topic.

Today, the basis of the student's ideological outlook is the main idea "From national revival to national uplift" and the values necessary for its implementation. They are embodied in the national values passed down from generation to generation, the Action Strategy for the Development of Uzbekistan, business, cultural and family traditions. Belief in these values strengthens a person’s confidence in the future and helps him to resist various ideological, hedonistic, subjective influences.

In this article he conducted research on the issues of spiritual and educational work in the higher education system, in particular, the formation of spiritual and moral culture of students - SS Komissarenko, VD Shirshov, IE Yarmakeev, Z.Azimova.

A number of pedagogical scholars, such as Zezek, have devoted themselves to the study of new criteria and their types from the point of view of scientific research as well as from today's point of view.

The main directions of the development of ideological qualities in students in the system of spiritual and educational work in higher education institutions are:

- Formation of ideas about the main theoretical and practical approaches to the study of the rich historical, spiritual, moral and cultural traditions of the new Uzbekistan, their diversity;

- The role of the individual and the family in the system of improving the social and spiritual environment of society;

- formation of a holistic view of the ethics of social ideological relations;

- to help prepare students to respect the future of the Motherland and its values, to consciously create their own lives;

- Strengthening ideological immunity, the formation of competencies to combat the influence of destructive ideas;

- to promote the upbringing of a spiritual and moral person who is able to make a free and responsible choice, based on the historically formed traditional values of the national idea, on this basis to form their professional activities and family and personal life;

- Encouraging young people to take the initiative to adhere to the moral and ethical standards accepted in modern society;

- to teach independent analysis of their own behavior and the behavior of peers;

- Development of skills of constant introspection, thinking and drawing conclusions.

In this sense, we recommend the above criteria as a universal pedagogical factor capable of addressing the most important tasks such as strengthening the national idea, spirituality and morality, national solidarity and national statehood, development of education, science and culture.

References:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 20 apreldagi “Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-2909-sonli Qarori (2017) [On measures for further development of the higher education system”. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 20, 2017. No PP-2909]. Xalq so‘zi. April 21.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning O‘zbekiston Respublikasi Davlat Mustaqilligining 29 yilligi marosimidagi nutqi (2020) [Speech by the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoev at the ceremony of the 29th anniversary of the State Independence of the Republic of Uzbekistan. Tashkent, August 31, 2020]. [Online]. URL: http:// aniq.uz. (date of access: 15.09.2020)

3. *Komissarenko, S.S.* (2013) Formirovanie lichnosti: koncepcii, instituty, tekhnologii [Formation of personality: concepts, institutes, technologies]. Sankt-Peterburg: OOO ID “Petropolis”.

4. *Shirshov, V.D.* Duhovno-nravstvennoe vospitanie molodezhi [Spiritual and moral education of youth]. [Online]. URL: http://arhiv.oodvrs.ru/article/index (date of access: 20.09.2019).

5. *Yarmakeev, I.E.* (2008) Duhovno-nravstvennoe vospitanie budushchego specialista: stanovlenie sistemy [Spiritual and moral education of the future specialist: the formation of the system]. Moscow: Gumanitar izdatel'stvo centr VLADOS.

6. *Azimova, Z.E.* (2018) Tarbiyaviy ishlar tizimini integral diagnostik asosda takomillashtirish (oliy ta'lim muassasalari misolida): [Improving the system of educational work on an integrated diagnostic basis (on the example of higher education institutions)]. Abstract of the dissertation for doctor of pedagogical sciences (DSc). Nukus.

7. *Zezeka, E.M.* (2011) Duhovno-nravstvennoe vospitanie molodezhi v deyatel'nosti uchrezhdenij kul'tury: [Spiritual and moral education of youth in the activities of cultural institutions]. Abstract of dissertation candidate of pedagogical sciences.Tambov.

8. *Nigmatov, Z.G.* (1990) Princip gumanizma i ego razvitie v istorii sovetskoj shkoly (1946-1989 gg.) [Principle of humanism and ego development in the history of the Soviet school (1946-1989)]. Abstract of the dissertation for doctor of pedagogical sciences. Kazan.

9. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 31-dekabrdagi “Uzluksiz ma'naviy tarbiya konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 1059-sonli Qarori [Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated December 31, 2019 No 1069 ‘On approval of the concept of continuous spiritual education and measures for its implementation’]. National database of legislative acts. 03.01.2020., 09/20/1059/4265-сон. [Online]. URL: https://lex.uz/docs/4676839 (date of access: 12.10.2019)

10. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan ilgari surilgan beshta muhim tashabbusni amaliyotga joriy etish samaradorligini oshirish t to‘g‘risida”gi KQ-20-IV-sonli Qarori [Resolution No. KQ-20-IV ‘On increasing the effectiveness of the implementation of five important initiatives put forward by the President of the Republic of Uzbekistan’]. National database of legislative acts. [Online]. URL: http:// lex.uz. (date of access: 10.08.2020)

Муаллиф ҳақида маълумот:

Қадиров Қувондиқ Айитбаевич – филология фанлари номзоди, доцент. Нукус давлат педагогика институти Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори. E-mail: quvondiq76@umail.uz